



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 7 » iyun

№ 315

Toshkent sh.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш ва муқобил энергиядан фойдаланиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони ҳамда “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 1 мартдаги ПҚ–144-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Пахта ва бошоқли дон экин майдонларини суғориш учун қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналарни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:**

пахта ва бошоқли дон экин майдонларини суғориш учун қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналарни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия миқдорини ҳисоблаш;

пахта ва бошоқли дон экин майдонларини суғориш учун қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналарни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратиш;

қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналарни сотиб қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида ажратилган субсидиядан самарали фойдаланилиши устидан назорат олиб бориш.

2. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 1 мартдаги ПҚ–144-сон қарорига мувофиқ 2022 йилдан бошлаб:

а) тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети параметрлари доирасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига 10 гектардан кам бўлмаган, сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган пахта ва бошоқли дон экин майдонларини суғоришда қуйидаги харажатларининг бир қисмини қоплаш учун:

қайта тикланувчи энергия манбалари ускуналарини сотиб олиш харажатларининг 50 фоизигача, бироқ 100 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда;

кўчма генераторлар ускуналарини сотиб олиш харажатларининг 30 фоизигача, бироқ 30 млн сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда субсидия ажратиш тизимини жорий қилсин;

б) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари томонидан сувни тежайдиган суғориш технологияларини ҳамда қайта тикланувчи энергия манбалари ва кўчма генераторлар каби ускуналарни жорий қилиш бўйича маълумотлар базасини шакллантириб борсин.

3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда 10 гектардан кам бўлмаган, сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган пахта ва бошоқли дон экин майдонларини суғориш учун қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналарни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратишни Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Agro-subsidiya” ягона ахборот тизими орқали йўлга қўйиш юзасидан таклиф киритсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 23 февралдаги 95-сон қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

**Пахта ва бошоқли дон экин майдонларини суғориш учун қайта
тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби
ускуналарни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини
қоплаш тартиби тўғрисида**

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига (кейинги ўринларда – талабгорлар) 10 гектардан кам бўлмаган, сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган пахта ва бошоқли дон экин майдонларини суғориш учун қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналарни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

субсидия – талабгорларнинг 10 гектардан кам бўлмаган, сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган пахта ва бошоқли дон экин майдонларини суғориш учун қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналарни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағ;

талабгорлар – қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ажратилган ер майдонида 2022 йил ёки ундан кейинги йилларда 10 гектардан кам бўлмаган, сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган пахта ва бошоқли дон экин майдонларини суғориш учун қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналарни сотиб олган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари;

қайта тикланувчи энергия манбалари ва кўчма генераторлар каби ускуналар – 10 гектардан кам бўлмаган, сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган пахта ва бошоқли дон экин майдонларини суғориш учун насос станциялари ва суғориш қудуқларини электр энергияси билан таъминлаш мақсадида қуёш, сув, шамол ёрдамида ҳамда кўчма генераторлар орқали электр энергиясини ҳосил қилувчи қурилмалар;

хулоса – 10 гектардан кам бўлмаган, сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган пахта ва бошоқли дон экин майдонларини суғориш учун қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналарни сотиб олган талабгорга ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ таркибдаги туман ишчи гуруҳи томонидан бериладиган ва субсидия ажратиш учун асос бўладиган ҳужжат.

3. Талабгорларга ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ схема бўйича 10 гектардан кам бўлмаган, сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган пахта ва бошоқли дон экин майдонларини суғориш учун:

қайта тикланувчи энергия манбалари ускуналарини сотиб олиш харажатларининг 50 фоизигача, бироқ 100 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда;

кўчма генератор ускуналарини сотиб олиш харажатларининг 30 фоизигача, бироқ 30 млн сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда субсидия берилади.

2-боб. Субсидия миқдорини ҳисоблаш тартиби

4. Пахта ва бошоқли дон экин майдонларини суғориш учун қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналарни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қоплаш учун субсидия миқдорини ҳисоблаш ва уни ажратиш юзасидан далолатнома ушбу Низомга 1-иловада келтирилган намунавий таркиб асосида шакллантириладиган Пахта ва бошоқли дон экин майдонлари учун қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналарни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратишга кўмаклашувчи туман ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда – ишчи гуруҳ) томонидан тайёрланади.

5. Талабгорлар субсидия ажратиш тўғрисида ушбу Низомга 3-иловада келтирилган шакл бўйича ариза билан ишчи гуруҳга (туман ҳокимлигига) ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган пахта ва кузги бошоқли дон экин майдонлари (контурлар кесимида) тўғрисида маълумот;

сотиб олинган қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналарнинг сертификати ва техник паспорти;

қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналарни сотиб олинганлиги ва ўрнатилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар (ижрочи билан тузилган шартномалар, бажарилган қурилиш, синов-созлаш ишларига оид маълумотлар);

талабгорларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси нусхалари.

6. Ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган ҳужжатлар талабгорлар томонидан ишчи гуруҳга (туман ҳокимлигига) почта ёки электрон алоқа воситалари орқали тақдим этилади.

Талабгорлар тақдим этилган ҳужжатлар ҳамда уларда кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлиги учун жавобгар бўлади.

7. Ишчи гуруҳ:

ариза тушган кундан бошлаб 10 иш куни мобайнида ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган ҳужжатларнинг тўғри ва тўлиқлигини текширади ҳамда қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналарни қурилиш-созлаш ишлари ёнғин ва техника хавфсизлиги қоидаларига ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ амалга оширилганлигини жойига чиқиб ўрганади;

ўрнатилган қайта тикланувчи энергия манбалари ва кўчма генераторлар каби ускуналарни сотиб олишга сарфланган харажатларнинг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қопланиши тўғрисида ушбу Низомга 4-иловада келтирилган шаклга мувофиқ далолатномани тасдиқлайди ҳамда талабгорларга юборади;

тақдим этилган ҳужжатлар тўғри ёки тўлиқ бўлмаганда ёхуд қурилиш-созлаш ишлари ёнғин ва техника хавфсизлиги қоидаларига ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ амалга оширилмаган тақдирда, ўрнатилган қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналарни сотиб олишга сарфланган харажатларнинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қопланишини рад этиш тўғрисида ушбу Низомга 5-иловада келтирилган шаклга мувофиқ далолатномани тасдиқлайди ҳамда талабгорларга юборади.

Талабгорлар ишчи гуруҳдан ўрнатилган қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналарни сотиб олишга сарфланган харажатларнинг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қоплашни рад этиш тўғрисидаги далолатномада кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этганидан кейин бир ой муддатда ушбу Низомда белгиланган тартибда ишчи гуруҳга (туман ҳокимлигига) тақдоран муурожаат қилиши мумкин.

Талабгор туман ишчи гуруҳининг ушбу қароридан норози бўлган тақдирда, суд органларига шикоят қилиши мумкин.

3-боб. Субсидия ажратиш тартиби

8. Ушбу Низомга асосан 10 гектардан кам бўлмаган, сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган пахта ва бошоқли дон экин майдонларини суғориш учун қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналарни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия 2022 йил ва ундан кейинги йиллар учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджети параметрлари доирасида ажратилади ҳамда қуйидаги ташкилотларнинг махсус шахсий ҳазна ҳисобварақларида юритилади:

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги – бошоқли дон экин майдонларини суғориш учун қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналарни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш;

Сув хўжалиги вазирлиги – пахта майдонларини суғориш учун қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналарни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун ажратилади.

9. Туман (шаҳар) ишчи гуруҳлари томонидан талабгорларга субсидия ажратиш тўғрисидаги хулосалар расмийлаштирилиб, ишчи гуруҳнинг барча аъзолари томонидан имзоланади ва умумлаштирилиб, рўйхат асосида ҳар ўн кунда ҳудудий ишчи гуруҳга кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда тақдим этилади.

Талабгорларга субсидия ажратиш тўғрисидаги хулосаларнинг ҳаққонийлиги учун туман (шаҳар) ишчи гуруҳи масъул ҳисобланади.

10. Ҳудудий ишчи гуруҳлар рўйхат келиб тушган кундан эътиборан уч иш куни ичида уни умумлаштиради ва таҳлил қилади, агар тақдим этилган ҳужжатларда келтирилган маълумотларда камчилик аниқланса, жойига чиққан ҳолда ўрганади.

ҳар ўн кунда субсидия оладиган талабгорларнинг рўйхатини умумлаштириб, тегишлилигича 1 августга қадар Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда 20 ноябрга қадар Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим этади.

11. Сув хўжалиги вазирлиги ҳудудий ишчи гуруҳлар томонидан тақдим қилинган рўйхатларга мувофиқ талабгорларга пахта майдонлари учун қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналарни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун талаб этиладиган субсидияни 10 августга қадар талабгорларнинг банк картаси ёки тижорат банкдаги ҳисобварағига ўтказиб беради.

12. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳудудий ишчи гуруҳлар томонидан тақдим қилинган рўйхатларга мувофиқ талабгорларга бошоқли дон экин майдонлари учун қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналарни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун талаб этиладиган субсидияни 1 декабрга қадар талабгорларнинг банк картаси ёки тижорат банкдаги ҳисобварағига ўтказиб беради.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

12. Қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналарни харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида ажратилган субсидиянинг самарали фойдаланилиши устидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан доимий назорат амалга оширилади.

13. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Пахта ва бошоқли дон экин майдонларини суғориш
учун қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда
кўчма генераторлар каби ускуналарни сотиб олиш
харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-илова

**Пахта ва бошоқли дон экин майдонларини суғориш учун қайта
тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби
ускуналарни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун
субсидия ажратишга кўмаклашувчи туман ишчи гуруҳининг
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

1. Туман ҳокими, *ишчи гуруҳ раҳбари*
2. Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, *ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари*
3. Туман молия бўлими бошлиғи
4. Туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи
5. Туман ирригация бўлими бошлиғи
6. Хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг туман филиали бошқарувчиси
7. “Ўздавэнергоназорат” инспекциясининг ҳудудий бўлими бошлиғи, *ишчи орган*
8. Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси

Пахта ва бошоқли дон экин майдонларини суғориш
учун қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма
генераторлар каби ускуналарни сотиб олиш
харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-илова

Пахта ва бошоқли дон экин майдонларини суғориш учун қайта тикланувчи
энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналарни сотиб олиш
харажатларининг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси
Давлат бюджетидан субсидия тўлаш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддати
I. Субсидия миқдорини ҳисоблаш тартиби			
1-босқич	Талабгорлар	Субсидия ажратиш юзасидан ушбу Низомга 3-иловада келтирилган шакл бўйича ариза билан туман ишчи гуруҳига мурожаат қилади.	Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	Туман ишчи гуруҳ	Ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган ҳужжатларнинг тўғри ва тўлиқлигини текширади ҳамда қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналарни қурилиш-созлаш ишлари ёнгин ва техника хавфсизлиги қоидаларига ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ амалга оширилганлигини жойига чикиб ўрганади. Бунда: ўрнатилган энергия самарадор қурилмаларни сотиб олишга сарфланган харажатларнинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қопланиши тўғрисидаги ушбу Низомга 4-иловада келтирилган шаклга мувофиқ далолатномани тасдиқлайди ҳамда талабгорларга юборади; тақдим этилган ҳужжатлар тўғри ёки тўлиқ бўлмаганда ёхуд қурилиш-созлаш ишлари ёнгин ва техника хавфсизлиги қоидаларига ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ амалга оширилмаган тақдирда, ўрнатилган қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналарни сотиб олишга сарфланган харажатларнинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қопланишини рад этиш тўғрисидаги ушбу Низомга 5-иловада келтирилган шаклга мувофиқ далолатномани тасдиқлайди ҳамда талабгорларга юборади.	Мурожаат келиб тушган кундан бошлаб 10 иш кунида

		Талабгорлар рад этиш тўғрисидаги далолатномада кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этганларидан кейин, бир ой муддатда ушбу Низомда белгиланган тартибда ишчи гуруҳга такроран мурожаат қилишлари мумкин.	
--	--	---	--

3-босқич	Туман ишчи гуруҳ	Ижобий хулоса расмийлаштирилгандан сўнг, ҳужжатлар умумлаштирилиб, субсидия ажаратиладиган талабгорлар рўйхатини ҳудудий ишчи гуруҳларга юборади.	Мурожаат келиб тушган кундан бошлаб 10 иш кунда
----------	------------------	---	---

II. Субсидия ажратиш тартиби

4-босқич	Ҳудудий ишчи гуруҳ	Талабгорларга субсидия ажратиш тўғрисидаги хулосаларни тушган кундан эътиборан умумлаштиради ва таҳлил қилади, агар тақдим этилган ҳужжатларда келтирилган маълумотларда камчилик аниқланса, жойига чиққан ҳолда ишлаш жараёнини ўрганади	Ҳар ўн кунда
----------	--------------------	---	--------------

5-босқич	Ҳудудий ишчи гуруҳ	Субсидия оладиган талабгорларнинг рўйхатларини умумлаштириб, тегишлилигича: Сув хўжалиги вазирлигига; Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим этади.	1 августга қадар 20 ноябрга қадар
----------	--------------------	---	--

6-босқич	Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги	Ҳудудий ишчи гуруҳлар томонидан тақдим қилинган рўйхатларга мувофиқ талабгорларга пахта майдонларини суғориш учун қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналарни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун талаб этиладиган субсидияни талабгорларнинг банк картаси ёки тижорат банкдаги ҳисобварағига ўтказиб беради.	10 августга қадар
----------	--	---	-------------------

6-босқич	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	Ҳудудий ишчи гуруҳлар томонидан тақдим қилинган рўйхатларга мувофиқ талабгорларга бошокли дон экин майдонларини суғориш учун қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналар сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун талаб этиладиган субсидияни талабгорларнинг банк картаси ёки тижорат банкдаги ҳисобварағига ўтказиб беради.	1 декабрга қадар
----------	---	--	------------------

Пахта ва бошоқли дон экин майдонларини суғориш
учун қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда
кўчма генераторлар каби ускуналарни сотиб олиш
харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби
тўғрисидаги низомга
3-илова

АРИЗА

1. Қурилма номи _____
2. Қурилманинг тури _____
3. Қурилманинг қуввати _____
4. Қурилманинг жойлашган манзили _____
5. Қурилманинг кафолат муддати “_____” 202
6. Қурилмани ўрнатган ташкилот _____
7. Қурилманинг ўрнатилган вақти “_____” 202
8. Қуйидагилар илова қилинади:
 1. _____ (_____ варақда)
 2. _____ (_____ варақда)
 3. _____ (_____ варақда)
 4. _____ (_____ варақда)

9. Вазирлар Маҳкамасининг 20__ йил “___” _____ даги _____-сон қарори билан тасдиқланган қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналарни харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низом талаблари доирасида ишчи гуруҳ тегишли ўрганишларни амалга ошириб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари томонидан ўрнатилган қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналарни харид қилиш харажатларининг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қопланиши бўйича белгиланган шаклга мувофиқ далолатнома расмийлаштирилгандан сўнг ажратиладиган маблағни банк картамга ёки банкдаги ҳисобварағимга ўтказиб берилишини сўрайман.

Банк ҳисобварағи ва реквизитлари: _____

10. Мен _____

(юридик шахснинг номланиши, ташкилий-ҳуқуқий шакли, СТИР рақами, телефон рақами, электрон почта манзили)

барча тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигини тасдиқлайман _____

(имзо)

Пахта ва бошоқли дон экин майдонларини суғориш
учун қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда
кўчма генераторлар каби ускуналарни сотиб олиш
харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби
тўғрисидаги низомга
4-илова

**Ўрнатилган қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби
ускуналарни сотиб олишга сарфланган харажатларнинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси
Давлат бюджетидан қопланиши тўғрисида
ДАЛОЛАТНОМА**

20 ____ “ ____ ” ____ даги ____ -сон

Мазкур далолатнома ишчи гуруҳ раҳбари _____
(лавозими, Ф.И.О.)
ва ишчи гуруҳ аъзолари _____
(иш жойи ва лавозими, Ф.И.О.)

қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналарни ўрнатган
юрidik шахс _____
(юрidik шахс номи)

ускуналарни ўрнатган юрidik шахс вакили _____
(Ф.И.О.)

иштирокида ускуна ўрнатилганлиги тўғрисида тузилди.

Объектнинг номи _____

Объектнинг жойлашган манзили _____

Ускуналар _____ йил _____ томонидан ишлаб чиқарилган.
(ишлаб чиқарувчи номи)

Кафолат муддати _____
(ой, йил)

Техник кўрсаткичи:

ишлаб чиқариш қуввати _____ ;
(кВт.соат)

ўрнатилган қуввати _____
(кВт.соат)

Сарфланган маблағ:

ўз маблағи ҳисобидан _____ ;
(сўмда)

тижорат банки кредити ҳисобидан _____ ;
(сўмда)

Ушбу далолатнома билан жисмоний (юрidik) шахснинг энергия самарадор ускуналарни
ишчи гуруҳ томонидан кўриб чиқилганлиги ва қурилиш-созлаш ишлари _____
равишда амалга оширилганлигини маълум қилади.

ХУЛОСА:

_____ га Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан

(юридик шахс номи)

_____ сўм миқдорда субсидия тўлаш мақсадга мувофиқ.

Ишчи гуруҳ аъзолари:

Туман ҳокими, ишчи гуруҳ раҳбари _____

(имзо)

(Ф.ИО)

Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув
хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари _____

(имзо)

(Ф.ИО)

Туман молия бўлими бошлиғи _____

(имзо)

(Ф.ИО)

Туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи _____

(имзо)

(Ф.ИО)

Туман ирригация бўлими бошлиғи _____

(имзо)

(Ф.ИО)

Хизмат кўрсатувчи тижорат банкнинг туман филиали
бошқарувчиси _____

(имзо)

(Ф.ИО)

“Ўздавэнергоназорат” инспекциясининг
худудий бўлими бошлиғи _____

(имзо)

(Ф.ИО)

Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа
ер эгалари кенгаши раиси _____

(имзо)

(Ф.ИО)

Пахта ва бошоқли дон экин майдонларини суғориш
учун қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда
кўчма генераторлар каби ускуналарни сотиб олиш
харажатларининг бир қисмини қоплаш
тартиби тўғрисидаги низомга
5-илова

**Ўрнатилган қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби
ускуналарни сотиб олишга сарфланган харажатларнинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси
Давлат бюджетидан қопланишини рад этиш тўғрисида
ДАЛОЛАТНОМА**

20__ йил “__” _____ даги ____-сон

Мазкур далолатнома ишчи гуруҳ раҳбари _____
(лавозими, Ф.И.О.)
ва ишчи гуруҳ аъзолари _____
(иш жойи ва лавозими, Ф.И.О.)

қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда кўчма генераторлар каби ускуналарни ўрнатган
юримдик шахс _____
(юримдик шахс номи)
ускуналарни ўрнатган юримдик шахс вакили _____
(Ф.И.О.)

иштирокида қурилмани ўрнатилганлиги тўғрисида тузилди.

Объектнинг номи _____

Объектнинг жойлашган манзили _____

Ускуналар _____ йил _____ томонидан ишлаб чиқарилган.
(ишлаб чиқарувчи номи)

Кафолат муддати _____
(ой, йил)

Техник кўрсаткичи:

ишлаб чиқариш қуввати _____;
(кВт.соат)

ўрнатилган қуввати _____
(кВт.соат)

Сарфланган маблағ:

ўз маблағи ҳисобидан _____;
(сўмда)

тижорат банки кредити ҳисобидан _____;
(сўмда)

Ушбу далолатнома билан жисмоний (юримдик) шахснинг энергия самарадор ускуналарни
ишчи гуруҳ томонидан кўриб чиқилганлиги ва қурилиш-созлаш
ишлари _____ равишда амалга оширилмаганлигини маълум қилади.

ХУЛОСА:

_____ га Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан

(юридик шахс номи)

_____ сўм миқдорда субсидия маблағлари тўлаш мақсадга мувофиқ эмас.

Рад этиш сабаблари:

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____

Ишчи гуруҳ аъзолари:

Туман ҳокими, *ишчи гуруҳ раҳбари* _____
(имзо) (Ф.ИО)

Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув
хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари _____
(имзо) (Ф.ИО)

Туман молия бўлими бошлиғи _____
(имзо) (Ф.ИО)

Туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи _____
(имзо) (Ф.ИО)

Туман ирригация бўлими бошлиғи _____
(имзо) (Ф.ИО)

Хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг
туман филиали бошқарувчиси _____
(имзо) (Ф.ИО)

“Ўздавэнергоназорат” инспекциясининг
худудий бўлими _____
(имзо) (Ф.ИО)

Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа
ер эгалари кенгаши раиси _____
(имзо) (Ф.ИО)

**Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги ишлаб
чиқарувчиларининг сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш
бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш чора-тадбирлари
тўғрисида” 2021 йил 23 февралдаги 95-сон қарорига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Қарорда:

1) қарорнинг номи ва матнидаги “технологияларни” сўзи “суғориш технологияларини” сўзлари билан алмаштирилсин;

2) қарорнинг муқаддимасида “қарори” сўзи “ҳамда “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 1 мартдаги ПҚ–144-сон қарорлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

3) 1-банднинг тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

4) 2-бандда:

“а” кичик бандининг иккинчи ва учинчи хатбошилари ҳамда “д” кичик бандидаги “ерларни лазер ускунали текислагичлар билан текислаш, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан лазерли қурилмага эга автоматлаштирилган ер текислагич агрегатларини сотиб олиш” сўзлари;

“в” кичик бандидаги “ерларни лазер ускунали текислагичлар билан текислашга, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан лазерли қурилмага эга автоматлаштирилган ер текислагич агрегатларини сотиб олишга” сўзлари;

“г” кичик банди чиқариб ташлансин;

5) 3-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

2. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш ва берилган субсидияни қайтариш тартиби тўғрисидагт низомда:

1) Низомнинг номи ва матнидаги “технологияларни” сўзи “суғориш технологияларини” сўзлари билан алмаштирилсин;

2) 1-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Талабгорларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 1 мартдаги

ПҚ–144-сон қарори билан белгиланган субсидиялар миқдорига асосан қоплаб берилади.”;

3) 2-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин;

“қурувчи-пудрат ташкилотининг ишлаб чиқариш базаси – марказий бошқарув офисига эга бўлиш ҳамда лойиҳа амалга оширилган ҳудудда сервис хизмати, савдо шохобчаси ташкил қилинганлиги ва маҳсулотлар захираси яратилганлиги;

“Tomchi-reestr” ЯЭР – сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш ишлари билан шуғулланувчи қурувчи-пудрат ташкилотларининг ягона электрон реестри;

“Agro-subsidiya” ЯАТ – қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига субсидия ажратиш бўйича материалларни тўплаш, кўриб чиқиш ва ваколатли органлар ва ташкилотлар билан келишишнинг ягона ахборот тизими.”;

4) 3-банд қуйидаги таҳрида баён қилинсин:

“3. Сувни тежайдиган суғориш технологиясини жорий этиш ишларини бажариш харажатлари учун субсидия Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ҳар бир контурга жорий қилинган технологиянинг ҳар бир тури ҳамда суғориладиган экинларнинг бир тури учун фақат бир марта ажратилади.”;

5) 4-банд қуйидаги таҳрида баён қилинсин:

“4. Ушбу Низом талаблари пахта, донли экинлар, сабзаёт экинлари ва картошка, полиз экинлари ва озиқабоп, мойли, дуккакли экинлар ва доривор ўсимликларни етиштириш учун сувни тежайдиган суғориш технологиялари 2022 йил ва ундан кейинги йилларда жорий этилган майдонларга, шунингдек, 2021 йил манзилли рўйхатга киритилган ва технология жорий қилинган ҳамда субсидия берилмаган майдонларга татбиқ этилади.”;

6) 5-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (кейинги ўринларда – Қишлоқ хўжалиги вазирлиги) томонидан донли экинлар, сабзаёт экинлари ва картошка, полиз экинлари ва озиқабоп, мойли, дуккакли экинлар ва доривор ўсимликлар етиштириш учун сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун берилади.”;

7) қуйидаги мазмундаги 5¹-банд қўшилсин:

“5¹. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджетидан субсидия “Agro-subsidiya” ЯАТ орқали “Tomchi-reestr”

ЯЭРдан ўтган ташкилотлар томонидан амалга оширилган лойиҳалар учун ажратилади.

Бунда Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси “Agro-subsidiya” ЯАТга барча хўжалик юритувчи субъектлар Давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизими ва “UzASBO” дастурий мажмуаси билан интеграция қилинишини таъминлайди.”;

8) 7-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

9) 8-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“8. Туман ишчи гуруҳи ҳар календарь йилнинг 1 июлига қадар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари билан мулоқотлар ўтказди ва келгуси йилда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилувчи талабгорларни аниқлайди (ушбу Низомга 2-илова).

Талабгорлар сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича манзилли рўйхатга киритиш тўғрисида ҳар календарь йилнинг 1 июлига қадар туман ишчи гуруҳига электрон шаклда ариза билан мурожаат қилиши мумкин.”;

10) 9-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“9. Туман ишчи гуруҳи:

уч иш кунида жойига чиққан ҳолда, талабгорларнинг сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этиладиган ер майдонлари ва уларнинг шарт-шароитлари, етиштириладиган қишлоқ хўжалиги экинларига мослиги, сув ва электр энергияси билан таъминланганлик даражаси, “бир канал – бир тизим” тамойили асосида жойлашишини, олдинги йиллар ушбу майдонларда сувни тежайдиган суғориш технологияларининг жорий этилган ёки этилмаганлигини ва бошқа томонларини, шунингдек, талабгорларнинг молиявий ҳолатини ўрганади;

ўрганиш натижаси бўйича сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича туман манзилли рўйхатларини қишлоқ хўжалиги экинлари ва суғориш технологиялари турлари, ҳудудлар ҳамда талабгорлар бўйича ер майдонлари ва контур рақамлари, сув манбаи, хизмат кўрсатувчи тижорат банклари номи кўрсатилган ҳолда шакллантиради.

Туман манзилли рўйхатлари туман ишчи гуруҳининг барча аъзолари томонидан имзоланади ва туман ишчи гуруҳининг раҳбари томонидан тасдиқланади.

Тасдиқланган туман манзилли рўйхатлари туман ишчи гуруҳи томонидан ҳар календарь йилнинг 10 июлига қадар “Agro-subsidiya” ЯАТга киритилади.”;

11) 10-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Келгуси йилда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш бўйича “Agro-subsidiya” ЯАТга киритилган туманлар манзилли рўйхатларини уч кун муддатда таҳлил қилади, заруратга кўра талабгорлар бўйича маълумотларни жойига чиқиб ўрганади ва суғориш технологиялари турлари, туманлар, ҳудудлар ҳамда талабгорлар бўйича ер майдонлари, сув манбаи, хизмат кўрсатувчи тижорат банклари номи кўрсатилган ҳолда ҳудудий манзилли рўйхатларни шакллантиради.”;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Тасдиқланган ҳудудий манзилли рўйхатлар ҳар календарь йилнинг 15 июлига қадар “Agro-subsidiya” ЯАТга киритилади ёки Сув хўжалиги вазирлигига белгиланган тартибда тақдим қилинади.”;

12) 11-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“11. Сув хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда ҳудудий манзилли рўйхатларнинг белгиланган прогноз кўрсаткичларга мослигини таҳлил қилади ҳамда ҳар календарь йилнинг 1 августига қадар келгуси йилда сувни тежайдиган суғориш технологияларига субсидия ажратиш мақсадида бюджет параметрларини шакллантиришда инобатга олиш учун уларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим қилади.”;

13) 14-банддаги “схемага мувофиқ” сўзларидан кейин “Agro-subsidiya” ЯАТ орқали” сўзлари қўшилсин;

14) 15-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“15. Манзилли рўйхатларга киритилган талабгорлар пахта, донли экинлар, сабзаёт экинлари ва картошка, полиз экинлари ва озуқабоп, мойли, дуккакли экинлар ва доривор ўсимликлар (кейинги ўринларда – қишлоқ хўжалиги экинлари) етиштириш учун сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини давлат бюджетидан қоплашга субсидия ажратилиши учун туман ишчи гуруҳига “Agro-subsidiya” ЯАТ орқали электрон шаклда ариза билан мурожаат қилади (ушбу Низомга 4-илова).

Аризага сувни тежайдиган суғориш технологиясини қуриш бўйича қурувчи-пудрат ташкилоти билан тузилган шартнома нусхаси, лойиҳа ҳужжати ва қурилиш ишлари якунланганлиги тўғрисидаги далолатнома (агар сувни тежайдиган суғориш технологиясини ўз кучи ва имкониятлари орқали қурган бўлса, эҳтиёт қисмларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилади) илова қилинади.”;

15) 17-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“17. Туман ишчи гуруҳи ариза тушган кундан эътиборан беш иш кунида:

талабгорнинг тасдиқланган манзилли рўйхатларда борлигини ҳамда курувчи – пудрат ташкилотини “Tomchi-reestr” ЯЭРдан ўтганлигини текширади;

талабгорлар ва курувчи – пудрат ташкилотлари вакили иштирокида жорий қилинган сувни тежайдиган суғориш технологияларининг тўлиқ ишлаш жараёнини жойида ўрганади;

технология сифатли қурилган, тўлиқ ишлаган бўлса ва белгиланган техник талабларга жавоб берса, ҳисобланган субсидиянинг 50 фоизини “Agro-subsidiya” ЯАТ орқали ажратилиши мақсадга мувофиқлиги юзасидан тайёрланган хулосага электрон имзо қўяди.

Туман ишчи гуруҳи аъзолари томондан имзоланган хулоса туман ҳокими томонидан электрон имзо билан тасдиқланади.”;

16) 18-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“18. Ўрганиш натижаларига кўра сувни тежайдиган суғориш технологиялари талабгорлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларга мувофиқ бўлмаганда, сифатсиз қурилган ва техник талабларга жавоб бермаганда ёки бошқа камчиликлар аниқланганда, туман ишчи гуруҳи уч кун ичида аниқ сабабларни кўрсатган ҳолда субсидия ажратилиши мақсадга мувофиқлиги юзасидан хулоса беришни рад этиш ҳақидаги қарорни қабул қилади ҳамда “Agro-subsidiya” ЯАТ орқали талабгорларга маълум қилади.

Талабгорлар туман ишчи гуруҳининг ушбу қарорида қайд қилинган камчиликларни тўлиқ бартараф қилгандан сўнг туман ишчи гуруҳига субсидия ажратиш тўғрисида белгиланган тартибда қайтадан мурожаат қилиши мумкин.

Талабгорлар туман ишчи гуруҳининг ушбу қароридан норози бўлган тақдирда, суд органларига шикоят қилиши мумкин.”;

17) 19-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“19. Туман ишчи гуруҳи томонидан талабгорларга субсидия ажратиш тўғрисидаги хулосалар расмийлаштирилгандан сўнг ҳудудий ишчи гуруҳга кўриб чиқиш учун “Agro-subsidiya” ЯАТ орқали белгиланган тартибда юборилади.”;

18) 20-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“20. Туман ишчи гуруҳи аъзолари талабгорларга субсидия ажратиш тўғрисидаги хулосаларни расмийлаштиришда куйидагиларга шахсан масъул ҳисобланади:

туман ҳокими – ишчи гуруҳ томонидан талабгорларнинг субсидия ажратиш тўғрисидаги аризаларини ўз вақтида жойида тўлиқ ўрганилишига ва расмийлаштирилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлигига;

туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари – дискрет суғориш технологияси жорий қилинган майдонларни лазер ускуналар ер текислагичлар орқали сифатли текисланганлигига, субсидия

ажратиш бўйича ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштириш ва уларни мувофиқлаштиришга;

туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи – сувни тежайдиган суғориш технологияси жорий қилинган майдоннинг ўлчами, контур рақами ва экин турини аниқлашга;

туман ирригация бўлими бошлиғи – жорий қилинган технология тури ва унинг сифат кўрсаткичларини аниқлашга;

туман молия бўлим бошлиғи – субсидияларни мазкур низом талаблари асосида тўғри ҳисоб-китоб қилинганлигига;

хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг туман филиали бошқарувчиси – талабгорларнинг тижорат банкидаги ҳисоварағи ва СТИР рақами тўғри киритилишига;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг туман бўлими бошлиғи – сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинган майдонларда ушбу технологиялардан фойдаланиш юзасидан даврий равишда назорат олиб боришга;

туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси – қурувчи – пудрат ташкилотлари билан тузиладиган шартномаларда фермер хўжаликлари ҳуқуқини ҳимоя қилишга.

Белгилансинки, талабгорларлар томонидан “Agro-subsidiya” ЯАТ орқали юборилган мурожаатлар туман ишчи гуруҳ аъзолари томонидан муддатлар бузилиб кўриб чиқилган тақдирда, келишилган деб ҳисобланади.”;

19) 21-бандда:

иккинчи хатбошидаги “ажратиш тўғрисидаги” сўзлардан, тўртинчи хатбошидаги “умумлаштириб,” сўзидан кейин “Agro-subsidiya” ЯАТ орқали” сўзлари қўшилсин;

тўртинчи хатбошига қуйидаги мазмундаги бешинчи-тўққизинчи хатбошилар қўшилсин:

“Пахта хомашёсини етиштириш учун томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш бўйича “Agro-subsidiya” ЯАТ орқали талабгорларга субсидия ажратиш тўғрисидаги хулосалар Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари таркибида ташкил этилган ички аудит гуруҳлари билан биргаликда ўрганилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари таркибида ташкил этилган ички аудит гуруҳлари:

ҳудудий ишчи гуруҳлар билан биргаликда пахта майдонларида томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш бўйича “Agro-subsidiya” ЯАТ орқали талабгорларга субсидия ажратиш тўғрисидаги хулосаларни ўн кунда таҳлил қилади;

агар тақдим этилган ҳужжатларда келтирилган маълумотларда камчилик аниқланса, жойига чиққан ҳолда технологиянинг ишлаш жараёнини ўрганади;

пахта хомашёсини етиштириш учун томчилатиб суғориш технологияси жорий қилган талабгорларга субсидия ажратиш ёки ажратмаслик тўғрисидаги хулосаларни ҳар беш кунда ҳудудий ишчи гуруҳларга ҳамда Сув хўжалиги вазирлигининг Ички аудит хизматига тақдим қилиб боради.”;

20) 22-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича (пахта етиштиришда жорий қилинган томчилатиб суғориш технологияси бўйича рўйхат бундан мустасно) тақдим этилган талабгорлар рўйхатларини улар тушган кундан бошлаб ўн кун ичида Сув хўжалиги вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда кўриб чиқади (ушбу Низомга 4-илова);

якуний келишилган рўйхатларга мувофиқ талабгорларнинг қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида “Agro-subsidiya” ЯАТ орқали ҳисоб-китоб қилинган субсидияни уларнинг тижорат банкларидаги ҳисобварақларига ўтказиб беради.”;

21) 23-бандда:

иккинчи хатбошидаги “сувни тежайдиган технологиялар” сўзлари “томчилатиб суғориш технологияси” сўзлари билан алмаштирилсин, “ва умумлаштиради” сўзлари чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошидаги “қоплаш мақсадида” сўзларидан кейин “Agro-subsidiya” ЯАТ орқали ҳисоб-китоб қилинган субсидияни” сўзлари қўшилсин;

22) қуйидаги мазмундаги 23¹ ва 23²-бандлар қўшилсин:

“23¹. Талабгорларга иккинчи йилда ускуналарнинг ишлатилиши ва биринчи йилга нисбатан ҳосилдорлик ошишига қараб субсидиянинг қолган 50 фоизи, учинчи йилда эса жорий қилинган тизимни ишлатган ҳолда ҳосилдорликни сақлаб қолган пахта, ғалла ва мева-сабзавот кластерларига қўшимча 20 фоиз субсидия ажратилади.

Бунда талабгорларга кейинги йилларда ажратиладиган субсидия туман ва ҳудудий ишчи гуруҳларининг мазкур Низом талаблари асосида берилган хулосаларига кўра тегишлилигича Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Сув хўжалиги вазирлиги томонидан ажратиб берилади.

23². Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Давлат статистика қўмитасининг ҳар бир қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари томонидан етиштирилган ҳосил

тўғрисидаги маълумотларни олдинги йил олинган ҳосилдорликка таққослаган ҳолда таҳлилий маълумотни “Agro-subsidiya” ЯАТга киритади.”;

23) 4-боб қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“4-боб. Tomchi-reestr” ягона электрон реестрини шакллантириш ва рейтинг кўрсаткичларини баҳолаш тартиби

24. Сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш бўйича қурувчи-пудрат ташкилотлари ва маҳаллий ишлаб чиқарувчи ташкилотлар “Tomchi-reestr” ЯЭРга қуйидаги белгиланган мезонлар асосида тегишли ҳужжатларни онлайн тарзда киритади:

ташкилот томонидан маҳаллий шароитда ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилганлиги ёки хорижий ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг расмий дилерлик гувоҳномаси (агар қурувчи-пудрат ташкилоти хорижий ишлаб чиқарувчининг расмий дилерлик мақомига эга бўлса, Ўзбекистонда дилерлик маркази ва маҳсулотлар базасини ташкил қилиши лозим);

солиқ қарзи ва йиғимлар бўйича қарздорлик мавжуд эмаслиги ҳамда солиқ ҳисоботларининг тўлиқ тақдим этилганлиги;

Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб –сайтида солиқ тўламаслик хавфи юқори бўлган ташкилотлар рўйхатида мавжуд эмаслиги;

лойиҳани амалга ошириш учун малакали мутахассислар, жумладан, лойиҳачи, муҳандис ва агроном билан таъминланганлик даражаси (ҳар 100 гектар майдон учун 5 нафар ишчи ходим);

соҳага алоқадор олий ва илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилганлиги;

лойиҳалар амалга оширилган ҳудудларда савдо шохобчаси ва сервис-хизмат кўрсатишнинг йўлга қўйилганлиги.

Бунда “Tomchi-reestr” ЯЭР платформасига киритилган ҳужжатларнинг тўғрилигига ташкилотлар раҳбарлари масъул ҳисобланади.

25. Сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш ишларига қўмаклашувчи ҳудудий ва туман ишчи гуруҳлари сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш бўйича “Tomchi-reestr” ЯЭРдан ўтган ташкилотлар томонидан амалга оширилган лойиҳалар юзасидан доимий назорат ўрнатади ҳамда фақат ушбу лойиҳалар юзасидан талабгорларга субсидия ажратилиши юзасидан тегишли хулосаларни расмийлаштиради.

26. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги “Tomchi-reestr” ЯЭРдан ўтган қурувчи-пудрат ташкилотларининг рейтинг кўрсаткичини юритади.

27. Қуйидагилар рейтинг кўрсаткичларининг асосий мезонлари этиб белгиланади:

қурувчи-пудрат ташкилотлари томонидан технологияни жорий қилиш ишлари лойиҳа асосида амалга оширилганлиги;

сувни тежайдиган суғориш технологияларининг қурилиш-монтаж ишлари ўз вақтида тўлиқ жорий этилиши ва уларнинг сифат кўрсаткичлари коэффиценти;

қурувчи-пудрат ташкилотлари томонидан лойиҳа амалга оширилган ҳудудларда сервис хизмати йўлга қўйилганлиги;

лойиҳани амалга ошириш учун малакали мутахассислар, жумладан, лойиҳачи, муҳандис ва агроном билан таъминланганлик даражаси;

соҳага алоқадор олий ва илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилганлиги;

қурувчи-пудрат ташкилотлари ўртасида ҳалол рақобат муҳитини шакллантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши;

технологиядан фойдаланиш бўйича буюртмачилар томонидан эътирозлар мавжуд эмаслиги.

28. Рейтинглар баллари қуйидагилардан шакллантирилади:

тегишли рейтинглар кўрсаткичлари бўйича энг юқори кўрсаткичга эга бўлган қурувчи-пудрат ташкилотлари аниқланади;

ҳар бир мезон бўйича кўрсаткич баллар йиғиндисидан иборат бўлади;

ҳар бир мезон бўйича ҳисобланган баллар йиғиндиси қурувчи-пудрат ташкилотлари рейтингини ифодалайди.

29. Қурувчи-пудрат ташкилотлари рейтингини натижалари қуйидаги тоифаларга бўлинади:

Т/р	Ишончлилик даражаси	Умумий баллар
1	Маҳаллий ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги	20
2	Олий таълим муассаслари ва илмий-тадқиқот институтлари томонидан объектларнинг лойиҳаолди бирламчи ҳужжатларини тайёрлашда ҳамда материаллар ва ҳисоб-китобларни илмий-техник жиҳатдан асосланганлигини, замонавий қурилиш материаллари, ресурс тежамкор технологиялар қўлланилишини бўйича тегишли хулосалар мавжудлиги	20
3	Ҳудудларда савдо шохобчаси ва сервис-хизмат кўрсатиш маркази мавжудлиги	20
4	Малакали лойиҳачи, муҳандис, агроном ва ишчи ходимлар билан таъминланганлик даражаси	15
5	Технологиянинг сифат кўрсаткичлар коэффиценти $\geq 1,0$	15
6	Технологиядан фойдаланиш бўйича буюртмачилар томонидан эътирозлар мавжуд эмаслиги	10

Изоҳ: Рейтинг натижаларига кўра 60 ёки ундан кўп балл тўплаган ташкилотлар томонидан амалга оширилган лойиҳалар учун субсидия ажратилади.

30. Қуйидаги ҳолларда қурувчи-пудрат ташкилотлари рейтингдан чиқарилади:

қурувчи-пудрат ташкилотларининг тўплаган баллар йиғиндиси 60 баллдан паст бўлганда;

қурувчи-пудрат ташкилотлари томонидан Сув хўжалиги вазирлигига рейтингдан ихтиёрий чиқиш тўғрисида ариза берилганда;

лойиҳа амалга оширилган ҳудудда буюртмачилар умумий сонининг 25 фоизи ёки ундан ортиғи “Tomchi-reestr” ЯЭР орқали технологиядан фойдаланиш бўйича шикоятлар ва аризалар юборганда ҳамда камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмаганда;

қурувчи-пудрат ташкилотлари фаолияти тугатилганда”;

24) 38-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“32. Агар жорий қилинган сувни тежайдиган суғориш технологияларидан ёки унинг асосий қисмларидан суғориш мавсумида фойдаланилмаслик ҳолатлари аниқланса, ажратилган субсидия қуйидагича тартибда қайтарилади:

иккинчи йилдан фойдаланилмас – субсидиянинг 80 фоизи;

учинчи йилдан фойдаланилмас – субсидиянинг 60 фоизи;

тўртинчи йилдан фойдаланилмас – субсидиянинг 40 фоизи;

бешинчи йилдан фойдаланилмас – субсидиянинг 20 фоизи.”;

25) 39-бандга қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

“Агар давлат бюджетидан субсидия олиб жорий қилинган сувни тежайдиган суғориш технологиясидан ёки унинг асосий қисмидан мақсадли ва самарали фойдаланмаслик ҳолати аниқланса, талабгорга субсидиянинг ушбу Низом 32-бандида белгиланган миқдорини субсидияни ажратган масъул идорага (очиладиган шахсий ғазнаҳисобварағини кўрсатган ҳолда) қайтариш тўғрисида огоҳлантириш хати беради.”;

26) 44-банддаги “38-бандида” сўзлари “32-бандида” сўзлари билан алмаштирилсин;

27) 48-бандга қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

“Пахта хомашёсини етиштириш учун томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш бўйича сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун тақдим этилган субсидиялардан мақсадли фойдаланиш ҳолатлари суғориш мавсуми давомида кузатиб борилади.”;

28) 24-49-бандлар тегишлича 24-43 бандлар деб ҳисоблансин;

29) Низомга 1-иловада:

3-банд қуйидаги таҳрида баён қилинсин:

“3. Туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи

4. Туман молия бўлими бошлиғи

5. Хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг туман филиали бошқарувчиси”;

3-6 бандлар тегишлича 3-8 бандлар деб ҳисоблансин;

6-банддаги “ишчи гуруҳ котиби” сўзлари чиқариб ташлансин;

30) Низомга 2-иловада:

1-босқич “Субъектлар” устунидаги “Талабгорлар” сўзларидан олдин “Туман ишчи гуруҳи” сўзлари қўшилсин;

1-босқич “Чора-тадбирлар” устуни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Туман ишчи гуруҳи ҳар календарь йилнинг 1 июлига қадар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари билан мулоқотлар ўтказди ва келгуси йилда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилувчи талабгорларни аниқлайди.

Талабгорлар сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича манзилли рўйхатга киритиш тўғрисида туман ишчи гуруҳига электрон шаклда ариза бериши мумкин.”;

2-босқич “Чора-тадбирлар” устуни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“1. Жойига чиққан ҳолда сув ва электр энергияси билан таъминланганлик даражаси, шунингдек, талабгорларнинг молиявий ҳолатини ўрганади.

2. Ўрганиш натижаси бўйича сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этишнинг туман манзилли рўйхатларини шакллантиради.

3. Туман манзилли рўйхатлари туман ишчи гуруҳининг барча аъзолари томонидан имзоланади ва туман ишчи гуруҳининг раҳбари томонидан тасдиқланади.

Тасдиқланган туман манзилли рўйхатлари туман ишчи гуруҳи томонидан “Agro-subsidiya” ЯАТга киритилади.”;

3-босқич “Чора-тадбирлар” устунида:

1-банддаги “Тақдим этилган” сўзлари “Agro-subsidiya” ЯАТга киритилган” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банднинг иккинчи хатбошидаги “рўйхатлар” сўзидан кейин “Agro-subsidiya” ЯАТга киритилади ёки” сўзлари қўшилсин;

4-босқич “Муддатлар” устунидаги “20 июлига” сўзлари “1 августига” сўзлари билан алмаштирилсин;

31) Низомга 3-илова чиқариб ташлансин;

32) Низомга 4-иловада:

1-босқич “Чора-тадбирлар” устунидаги “ариза билан ёзма ёки” сўзлари “Agro-subsidiya” ЯАТ орқали” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-босқич “Чора-тадбирлар” устуни куйидаги тахрирда баён қилинсин:

“1. Талабгорларнинг тасдиқланган манзилли рўйхатларда борлигини ҳамда курувчи – пудрат ташкилоти “Tomchi-reestr” ЯЭРдан ўтганлигини текширади.

2. Талабгорлар ва курувчи – пудрат ташкилотлари вакили иштироқида жорий қилинган сувни тежайдиган технологияларнинг тўлиқ ишлаш жараёнини жойида ўрганади.

Технология сифатли қурилган, тўлиқ ишлаган бўлса ва белгиланган техник талабларга жавоб берса, ҳисобланган субсидиянинг 50 фоизи “Agro-subsidiya” ЯАТ орқали ажратилиши мақсадга мувофиқлиги юзасидан тайёрланган хулосага электрон имзо қўяди.

3. Ўрганиш натижаларига кўра сувни тежайдиган суғориш технологиялари талабгорлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларга мувофиқ бўлмаганда, сифатсиз қурилган ва техник талабларга жавоб бермаганда ёки бошқа камчиликлар аниқланганда, туман ишчи гуруҳи уч кун ичида аниқ сабабларни кўрсатган ҳолда субсидия ажратилиши мақсадга мувофиқлиги юзасидан хулоса беришни рад этиш ҳақидаги қарорни қабул қилади ҳамда “Agro-subsidiya” ЯАТ орқали талабгорларга маълум қилади.

Талабгорларга субсидия ажратиш тўғрисидаги хулосалар расмийлаштирилгандан сўнг ҳудудий ишчи гуруҳга кўриб чиқиш учун “Agro-subsidiya” ЯАТ орқали белгиланган тартибда юборилади.”;

3-босқич “Чора-тадбирлар” устунидаги 1-банд куйидаги тахрирда баён қилинсин:

“Талабгорларга субсидия ажратиш тўғрисида “Agro-subsidiya” ЯАТ орқали тушган хулосалар келган кундан эътиборан уларни умумлаштиради ва таҳлил қилади”;

4-босқич “Чора-тадбирлар” устунининг 1-бандидаги “ва умумлаштиради” сўзлари чиқариб ташлансин, 2-банди “қоплаш мақсадида” сўзларидан кейин “Agro-subsidiya” ЯАТ орқали ҳисоб-китоб қилинган суммани” сўзлари қўшилсин;

5-босқич “Чора-тадбирлар” устунининг 1-бандидаги “жорий этилган” сўзларидан кейин “томчилатиб суғориш технологияси” сўзлари, 2-банддаги “қоплаш мақсадида” сўзларидан кейин “Agro-subsidiya” ЯАТ орқали ҳисоб-китоб қилинган” сўзлари қўшилсин;

33) Низомга 5-илова чиқариб ташлансин;

34) Низомга 6-илова чиқариб ташлансин.

